

**Kulmatov Primkul Melikuziyevich**

**Associate Professor of Jizzakh Polytechnic Institute**

## **A STRONG FAMILY IS A PLACE OF EDUCATION**

**Abstract:** This article talks about the upbringing of the young generation and the important role of the family in it.

**Key words:** Family, upbringing, perfection, humanity, love, consequences, hard work, patriotism, courage, high morality.

**Кулматов Примкул Меликузиевич**

**Жиззах политехника институти доценти**

## **МУСТАХКАМ ОИЛА-ТАРБИЯ МАСКАНИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада ёш авлоднинг тарбияси ва унда оиланинг муҳим ўрни ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Оила, тарбия, комиллик, мукамаллик, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, оқибат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, мардлик, юксак ахлоқ.

Маънавий-маърифий тарғибот ишларимиз юксак мақсадларга- Ватанимизнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англаш, жамиятни юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсонни тарбиялаш, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби олижаноб ғоялар атрофида бирлашиш учун, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларни, пировард мақсадимиз бўлган эркин ва фаровон ҳаёт моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган. Бунда ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялаш бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Жамиятимизда руй бераётган муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ёшлар онгига таъсир қилмасдан қолмайди. Ҳозирда мактаб ўриндикларида ўтирган ёш авлод эртага бизнинг қўлимиздан ишимизни оладиган, ҳаётимизни давом эттириб, ўзидан кейинги авлодга етказувчи ворисларимиздир. Шундай экан ёш авлод тарбияси билан шуғулланиш нафақат педагоглар, ота-оналар балки кенг жамоатчиликнинг келгуси авлод баркамоллиги, ўғил- қизларимизнинг улуғ аجدодларимиз меросига хос оқил инсон, бўлиб тарбияланишлари учун ҳам масъулдирлар. Ҳар қандай ҳуқуқнинг бузилиши замирида ахлоқий тарбиядаги нуқсон ётади, бу эса ёш авлоднинг тарбиясида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ бузишига сабаб бўладиган омил ҳисобланади.

Инсон ҳеч қачон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Шунингдек, бирданига тарбияли ва билимли бўлиб ҳам қолмайди.

Маълумки, узоқ ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқи ўзининг таълим-тарбияга оид улкан меросига эга. Бу мерос бугунги авлодни инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, оқибат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, мардлик, юксак ахлоқ руҳида тарбиялашга хизмат қилади, Ўзбек халқининг мана шундай бой тарихий маънавий меросидан улуғ халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам мунтазам ва тўлақонли баҳраманд бўлишлари, буюк ғояларни ёш авлод қалбидан ва юрагидан ҳам жой олиши уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига барча шарт шароитлар яратилмоқда.

Ҳар бир инсон дунёга келар экан, у ўсиб, улғайиб камол топади. Унинг инсонийлиги, ахлоқ-одоби, хулқ-атвори даставвал, ўз оиласида шаклланади. Демак, оила тарбия масканидир. Шунинг учун доно халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади» дейди. Демак, инсонийликнинг илк ҳислатлари ота-она берган тарбия орқали шаклланади. Оила - тарбия маскани. Дунёга келган фарзанд ота-онадан ахлоқ-одоб қоидаларини, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби қадриятларни ўрганади. Оилада бўш вақтни фаол ташкил этиш, маданият, саноат масканларига, тарихий обидаларга,

қадамжоларга саёхатлар уюштириш, ота-она фарзандлар билан спорт майдончаларида биргаликда машғулотлар олиб бориш, қишлоқ шароитларида ота онага кўмакчи сифатида томорқаларда ёрдам бериш - оила баркамоллигини таъминлашга хизмат қилади. Инсон маънавияти даставвал оила шароитида шаклланади ва жамият маънавиятини белгиловчи мезон сифатида намоён бўлади. Оилада фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ниҳоятда муҳимдир. Ноқобил фарзанд ота-онанинг қаддини букади, эл-юрт олдида уларнинг бошини ҳам қилади.

Ёш авлод қалбида Она Ватанга, унинг рамзлари - Давлат байроғи, Давлат герби, давлат мадҳиясига, Конституциясига бўлган муҳаббат ва ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, «ватанпаварлик» туйғусини шакллантириш ҳар бир ота-онанинг, тарбиячи-мураббийларнинг, жамоатчиликнинг Ватан олдидаги бурчларидир.

Тарбия - ижтимоий ҳодиса. У кишилик жамияти пайдо булган даврдан бери мавжуд. Инсон ер юзидаги энг мукамал зот бўлиши учун аввало тарбияланиши зарур.

Тарбия - кўп қиррали, узоқ давом этадиган жараёндр. Болани ўраб олган муҳитнинг ҳаммаси - одамлар, нарсалар, ходисалар уларнинг онгида, ҳулк-атворида маълум из қолдиради, уни ўзгартиради ва ўстиради.

Ҳар бир ота-она тарбиянинг ўзига хос назарий ҳамда амалий конун-қоидаларини ўзлаштириб, уларга амал қилиши лозим. Негаки, оилада бола тарбияси ғоят нозик, мураккаб масала бўлиб, ота-онадан педагогик билим, катта тарбиячилик маҳоратини талаб қилади.

Ота-она, авлод-аждодларимиз тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ўғил-қизларни ёшлигидан меҳнатсевар, ҳар бир топширикни катта ёки кичиклигидан қатъий назар ўз вақтида, аниқ бажарадиган, умрининг ҳар бир дақиқасини қадрлайдиган қилиб тарбиялаш лозим. У ёки бу оиладаги тарбиянинг самарадорлиги, албатта, ота-онанинг қанчалик билимли, маданиятли бўлиши, бола тарбиясига масъулият билан қарашлари, фарзандлари келажагини чуқур

хис этишлари, тажрибада синалган миллий урф-одат ва анъаналардан унумли фойдаланишларига боғлиқ. Тарбияда талабчанлик, ота-она ва катта ёшдаги кишиларнинг ўзаро ахилликлари, кичикларга ғамхўрлик, осуда турмуш ва ҳалол меҳнат фаолиятлари оилавий тарбиянинг асосини ташкил этади. Бундан ташқари ҳар бир оилада фарзанд тарбиясида аниқ бир мақсад бўлиши керак. Энг муҳими фарзандларимизни нафақат бўлажак ота-она ёки ака-ука, опасингил сифатида, балки жамиятнинг ҳақиқий фуқароси, келажагига ишонувчи, унга садоқат билан хизмат қилувчи инсон, ватанпарвар, посбон сифатида ҳам тарбиялашга эътибор беришимиз лозим. Оилавий омиллар ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Ижобий сифатларни қарор топтириш учун ёшлар билан, айниқса юқори синф ўқувчилари билан мунтазам шуғулланиш лозим.

Лекин жамиятимизда ёшлар тарбиясида айрим бўшлиқлари вужудга келаётганини, дунёқараши паст, билими заиф, ёш бўлса-да, жиноятга қўл урган, гиёҳвандликка мойил, ичкилик ва чекишга ружу қўйишган, ўқишга қизиқмайдиган, тарбияси оғир болаларнинг борлиги ташвишли ҳолдир.

Кун сайин тараққий этиб, раванқ топаётган жамиятимизда юқоридагига ўхшаган тарбияси оғир, жиноятга қўл ураётган ўсмирлар қаердан пайдо бўлаяпти? Умумий ўрта таълим тизимида ўқитувчиларимиз етарли билим беришмаяптими? Турмуш ташвишлари билан ўралашиб, оилада фарзанд тарбиясига эътиборсиз қараётган ота-оналар айбдорми, ёки фарзандларимиз ўзлари лоқайд, бепарво, совуққон бўлиб қолаётганлари туфайлими?

Аввало, ўсмирларни тартиб бузарликка жалб этаётган қатор ижтимоий-руҳий омиллар мавжуд. Булар:

- ўсмирларда бўш вақтнинг кўплиги;
- катталар томонидан назоратнинг йўқлиги;
- бўш вақтни ўтказиш жойи ва вақтининг бетайинлиги;
- кўнгилочар ва зарарли одатлар ўтказишга имкон борлиги ва бошқалар.

Ўқувчи ёшларни «тарбияли бўлинг» деган билан тарбиялаб бўлмайди. Бунинг учун аввало ота-она шахсий наъмуна кўрсатмоғи лозим. Бола инсоний

хислатларини, эзгуликни, одамийликни, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам энг аввало оиладаги катталарнинг хатти-харакатларидан ўрганеди. Ота-она ўз хулқ-атвори билан фарзанд ҳурматига сазовор бўлишлари, унинг хаёт йулида ўрнатилган бўлишлари лозим. Бу одат уларнинг онгига сингиши лозим.

Шундай оилада ўсган болагина, ота-онани, қолаверса ўз устозларини ҳурмат қиладиган, маҳалла куйда қзидан кичикни ҳурматлаш, катталарни иззат қилишни ўз ўрнига қўядиган, халқпарвар бўлиб етишади. Ҳар бир тарбиячи тарбия санъаткори бўлмоғи лозим. Бу болаларни севиш санъатидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Haydarova GA , Pardaeva K.U. , Gapparov BN " People pedagogy ". Education manual . Tashkent . 2009 .
2. Otayorov O. "Secrets of increasing mental potential" enlightenment newspaper. No. 101 (8646) 18 December 2013, p. 12.
3. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 2(2), 133-136.
4. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). Reforms in the judicial system as a topical direction in the appeal. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 2(2), 177-182.
5. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). INTERNATIONAL PEACE AS A UNIVERSAL VALUE. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 1(02), 73-78.
6. Kulmatov, P. M., & Tajibayev, M. A. (2021). INTERACTION OF MORAL, AESTHETIC AND ECOLOGICAL EDUCATION. Scientific progress, 2(1), 1149-1154.

7. Kulmatov, P. M., & Tajibayev, M. A. (2021). INTERACTION OF MORAL, AESTHETIC AND ECOLOGICAL EDUCATION. Scientific progress, 2(1), 1149-1154.
8. Ro'Ziyev, A. (2022). Spiritual and enlightenment work is a significant step towards the upbringing of youth. Scientific progress, 3(10), 65-71.
9. Jumanazarovich, R. A. (2022). Spiritual and Enlightenment Work is a Significant Step Towards the Upbringing of Youth. The Peerian Journal, 13, 87-92.